

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.2019.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАКМАЛОВ МИРАЛИ ТУРОНБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕОГРАФИК ЛИНГВИСТИКА**

11.00.01-Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**География фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора географических наук (DSc)**

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)
on geographical sciences**

Миракмалов Мирали Туронбоевич Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик лингвистика.....	3
Миракмалов Мирали Туранбаевич Физико-географические особенности топонимов Узбекистана и географическая лингвистика.....	25
Mirakmalov Mirali Turanbaevich Physical and geographical features of Uzbekistan toponyms and geographical linguistics	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.2019.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАКМАЛОВ МИРАЛИ ТУРОНБОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ТОПОНИМЛАРИНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕОГРАФИК ЛИНГВИСТИКА**

11.00.01-Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Gr4 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Маматқулов Мурод**
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раҳматуллаев Арзимурад**
география фанлари доктори (DSc)

Камалов Баҳодир Асамович
география фанлари доктори

Тожиёв Ёрмат
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Сейсмология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.2019.G.01.06 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 20 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс (+99871) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-35-57.

Диссертация автореферати 2020 йил 9 ноябрда тарқатилди.
(2020 йил 9 ноябрдаги 23-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиёва

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида, бугунги глобаллашув шароитида географик жой номларини ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТ да географик номлар бўйича Экспертлар гуруҳининг (UNGEGN)¹ иш олиб бориши, унинг таркибида 52 та давлатдан 150 дан ортиқ экспертлар, 24 та ҳудудий бўлинмалар ва 10 дан ортиқ ишчи гуруҳларининг фаолият юритаётганлиги, ушбу масаланинг нақадар долзарб эканлигини кўрсатади. Экспертлар гуруҳи ўз олдига “...миллий ва халқаро миқёсда географик номларни стандартлаштириш, турли давлатларда географик номларни стандартлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотларнинг бу борадаги ишларини мувофиқлаштириш ва БМТ га аъзо давлатлар орасида тарқатиш, географик номларни миллий ва халқаро стандартлаштириш бўйича принциплар ва усулларни тарғиб қилиш, стандартлаштириш механизмларини яратиш”² каби вазифаларни белгилаган. Мазкур вазифалар, айниқса, топонимларнинг табиий географик жиҳатларини таҳлил қилиш, географик объектларни номлаш ва қайта номлашда жойнинг табиий хусусиятларини асос қилиб олиш, географик жой номлари картотекасини ва реестрини яратиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, географик номларни нормаллаштириш, стандартлаштириш, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш, географик номларнинг давлат реестрини тузиш, номлардан фойдаланиш, тўғри ёзиш ва топонимика бўйича ўқув курслари ташкил қилиш, топонимик луғатлар чоп этиш, географик номлар транслитерациясини ўрганиш кабиларга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, географик жой номларини тўплаш, гуруҳлаштириш, топонимик луғатлар ва мавзули топонимик хариталар яратиш, уларнинг тўғри талаффуз этилиши, ёзилиши ҳамда таржима қилиниши, амалда қўллаш, турли адабиётларда – ўқув, илмий манбаларда, халқ оғзаки нутқида тўғри ҳамда ўринли қўлланилишига эришиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда география ва топонимика соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш, географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш, географик номларни стандартлаштириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5850-сон Фармонида асосан Давлат тилини ривожлантириш департаменти таркибида “Атамашунослик ва топонимик объектларга ном бериш фаолиятини мувофиқлаштириш” бўлими ташкил этилди. Ушбу Фармонда “илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни

¹ United Nations Group of Experts on Geographical Names, UNGEGN (<http://unstats.un.org/unsd/geoinfo/>)

² <https://www.un.org/ru/ecosoc/geo/group.shtml>

мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш”³ юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада конструктив босқичга кўтарилган ҳозирги замон география фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бири – топонимлар, яъни географик номлар ҳамда табиий географик топотерминларни атрофлича ва чуқур тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 2011 йил 12 октябрда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда ушбу Қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида” ги 295-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 984-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 40-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. Географик номларни тадқиқ этиш ва стандартлаштириш муаммоларини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: International Council of Onomastic Sciences (ICOS), US Board on Geographic Names (АҚШ), Institute for Name-Studies (Буюк Британия), Institute for Geographical Names, University of Copenhagen (Дания), Utrecht University (Нидерландия), Geographic Names Board of Canada (Канада), Беларусь давлат университети (Белоруссия), Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари топонимика комиссиялари (Россия), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Дунёда географик объектларга ном бериш, миллий ва халқаро стандартлаштириш тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқишга оид жаҳонда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.un.org/ru/ecosoc/geo/group.shtml>, <http://ggim.un.org/>, <https://www.nottingham.ac.uk/research/groups/epns/history.aspx> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: топонимларни терминологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш натижасида географик жой номларининг классификацияси такомиллаштирилган (International Council of Onomastic Sciences (ICOS)); агронимлар, гидронимлар, оронимлар ва оролларнинг номлари ҳамда дримонимларнинг географик жиҳатлари очиб берилган (Institute for Name-Studies (Буюк Британия)); топонимлар этимологияси асосланган (Institute for Geographical Names, University of Copenhagen (Дания)); табиий объектларнинг номлари аниқланган (Geographic Names Board of Canada (Канада)); топонимиканинг назарий асослари такомиллаштирилган (Белорусь давлат университети (Белоруссия)); географик объектларни номлаш ва қайта номлаш мезонлари ишлаб чиқилган (Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари топонимика комиссиялари (Россия)).

Дунёда географик объектларни стандартлаштириш, объектларга ном бериш ва қайта номлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: географик номларни қатъийлаштириш, унинг тамойилларини такомиллаштириш ва уларни тўғри ёзиш, амалда қўллаш; тармоқ топонимик изланишлар; регионал топонимика, топоформантлар этимологияси ва семантикаси, мавзули топонимик хариталар яратиш, топонимлар классификацияси ва географик номлар транскрипцияси, географик номларнинг давлат реестрини тузиш, географик номлар транслитерацияси.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Географик жой номларининг ўрганилиши масаласига Ж.Стюарт, Н.Холмер (АҚШ), Ж.Армстронг (Канада), А.Смит, Э.Экуолл, С.Мэттьюз, К.Камерон, М.Геллинг (Буюк Британия), Г.Краэ, М.Фасмер (Германия), А.Доза, А.Шерпилё (Франция), В.Ташчицкий, Й.Шташевский, С.Роспанд, К.Римут (Польша), А.Профоуз, В.Шмилауэр (Чехия), В.Григорьев (Болгария), М.Ольсон (Швеция), И.Иордан, Г.Драгу (Руминия), Э.М.Мурзаев, Е.М.Поспелов (Россия), В.А.Жучкевич, Г.Я.Рилюк (Белоруссия) ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг олимлари катта эътибор бериб, дунёнинг турли ҳудудлари топонимларини ўрганишга оид тадқиқотларни амалга оширганлар.

Ўзбекистонда топонимларни географик жиҳатдан тадқиқ этишда Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, П.Ғуломов, Қ.Сейтнийзов, Қ.Ҳакимов, географик терминология соҳасида Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, П.Ғуломов, Р.Раҳимбеков, О.Мўминов, Қ.Хуррамовларнинг илмий ишлари натижалари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳ.Ҳасановнинг тадқиқотлари топонимларнинг келиб чиқиши, маъноси, тўғри ёзилиши ва талаффузи, этимологияси, миллий ва бошқа тилларда ёзилиш шакллари, топонимларни терминларга қараб тадқиқ қилиш усуллариغا катта аҳамият берилган.

С.Қораев, П.Ғуломов, Қ.Сейтнийзов, Қ.Ҳакимовнинг илмий тадқиқот ишлари кўпроқ ойконимларга, топонимларни ҳосил қилган терминларга, ҳудудий топонимикага, географик номларнинг турли тилларда тўғри ёзилишига

қаратилган. Бироқ, мамлакатимизда географик жой номлари ҳам терминологик, ҳам топонимик жиҳатдан кам ўрганилган. Шунингдек, топонимларнинг табиий географик хусусиятларини ўрганишга, жой номларининг тарқалиш қонуниятларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилмаган ва Ўзбекистоннинг топонимик харитаси тузилмаган.

Мазкур тадқиқот иши айнан юқорида қайд этилган, ўз ечимини кутаётган муаммоларга бағишланганлиги билан олдингилардан ажралиб туради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқотлар режасининг ОТ-Ф6-062 – “Орол ҳавзасида кечаётган гидрологик ва табиий географик жараёнларнинг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш” (2007-2011 йй.), ОТ-Ф5-13– “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал, А-7-9 “Тошкент вилоятининг ландшафтлари хилма-хиллигини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари картасини яратиш” (2016-2018 йй.) мавзуидаги тадқиқотлари грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган топонимларнинг табиий географик хусусиятларини аниқлаш, гуруҳлаштириш ва географик жой номлари ҳамда терминлар ҳақидаги янги –географик лингвистика йўналишини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон ҳудудида тарқалган географик жой номларининг табиий географик хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг картотекасини яратиш;

тўпланган географик жой номларини гуруҳлаштириш;

табиий географик терминларнинг манбаларини аниқлаш;

Ўзбекистондаги табиий географик топотерминлар ёрдамида ҳосил бўлган географик номларни тарқалиш қонуниятларини аниқлаш;

географик терминлар ва жой номларини тадқиқ этувчи географик лингвистика йўналишини асослаш;

географик лингвистиканинг аҳамияти ва истиқболини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ҳудудида тарқалган географик жой номлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон географик жой номларининг табиий географик хусусиятларини ҳамда уларни ҳосил қилган терминларнинг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тарихий, таққослаш, этимологик, картографик, ареал, аналитик, имловий-гузилиш, адабиётлар билан ишлаш, экспедиция, гуруҳлаштириш, картотека ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари (географик ўрни, фойдали қазилмалари, иқлими, рельефи, гидрографияси, флора ва

фаунаси, тупроқлари) аниқланган;

географик номларни ҳосил қилган топотерминларнинг индикаторлик, абстрактлилик, негативлик, тарқоқ ва зич тарқалиш қонуниятлари аниқланган;

топонимларнинг баландлик минтақаланиши (гидроним, фитоним, зооним) ва регионаллик (ороним, ойконим) қонуниятига бўйсиниши асосланган;

географик объектларни номлаш ва қайта номлашда унинг эндоген ва экзоген (Ернинг ички ва ташқи) жараёнлар натижасида ҳосил бўлган табиий белгиларига асосланиш қонидаси ишлаб чиқилган;

географик жой номларининг ArcGIS дастурида маълумотлар базасини яратиш, гуруҳлаштириш ва таснифлаш асосида Ўзбекистоннинг 1:1 000 000 масштабда топонимик харитаси яратилган;

“географик лингвистика” йўналиши, унинг назарий асослари – объекти, предмети, тадқиқот усуллари (картотека, лексик қатлам таҳлили), принциплари (худудийлик, лингвистик, генетик) асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Ўзбекистон топонимлари табиий географик жиҳатдан ўрганилган, бинобарин, географик объектларни номлашда ва қайта номлашда жойнинг табиий хусусиятлари ҳисобга олиниши асосланган;

вилоятлар кесимида табиий географик хусусиятлар билан боғлиқ бўлган топонимлар ўрганилган ва мавзули топонимик хариталар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг 1:1 000 000 масштабда топонимик харитаси ва мавзули топонимик хариталар яратилган;

географик жой номлари ва терминларнинг электрон базасидан дарслик, ўқув атласлари ва турли мавзули хариталарда топонимларни тўғри ёзиш, терминларни тўғри қўллаш, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республикамизда соҳа бўйича масъул ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри тасарруфидаги Республика Топонимика хизмати маълумотларидан, мавжуд илмий манбалардан, фонд материалларидан фойдаланганлиги билан белгиланади. Шунингдек, тадқиқот давомида тўпланган материаллар, илмий-назарий ва услубий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилган, олинган натижалар эса тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлигида акс этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари, уларнинг тарқалиш қонуниятлари, географик терминлар ва топонимларни ўрганувчи географик лингвистика йўналишининг асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси ва алоҳида вилоятларнинг топонимик хариталари ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти Атамашунослик ва

топонимик объектларга ном бериш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими, Республика Топонимика хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, туманлар топонимия комиссиялари, «Картография» Давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси иш фаолиятида муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқот иши давомида тўпланган материаллар таълимнинг барча босқичлари ўқув жараёнида ҳам амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик лингвистика бўйича олинган натижалар асосида:

Ўзбекистон географик жой номлари ва уларни ҳосил қилган топотерминларнинг аниқланган табиий географик хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасидаги географик объектларни номлаш ва қайта номлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 5 августдаги 30/1-187-сон маълумотномаси). Натижада, Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва туман топонимика комиссиялари томонидан географик объектларни номлаш ва қайта номлашда илмий асосланган янги ном ва атамаларни истеъмолга киритиш имконини берган;

географик номларни ҳосил қилган топотерминларнинг тарқалишидаги аниқланган индикаторлик, абстрактлилик, негативлик, тарқоқ ва зич тарқалиш каби қонуниятлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 5 августдаги 30/1-187-сон маълумотномаси). Натижада, географик объектларни номлашда давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

Ўзбекистон худудидаги топонимларнинг баландлик бўйича минтақаланиши ва регионаллик қонуниятига бўйсинган ҳолда тарқалиши асосланган хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан географик ва топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилишда ва мувофиқлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 5 августдаги 30/1-187-сонли маълумотномаси). Натижада, географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш ишларини мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини берган;

географик объектларни номлаш ва қайта номлашда жойнинг табиий белгиларига асосланиш қоидаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан географик объектларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий-маданий қадриятлари ва мероси билан боғлиқ номлари асралишини таъминлаш ҳамда миллий анъаналари ва менталитетига ёт бўлган номлар билан қайта номлашга ва уларга ном беришга йўл қўймаслик ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2020 йил 5 августдаги 30/1-187-сон маълумотномаси). Натижада, географик объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллийчилик, хизмат мартабасини суиистеъмол қилиш ҳолларини истисно этиш имконияти яратилган;

Ўзбекистоннинг 1:1 000 000 масштабда яратилган топонимик харитаси ҳамда вилоятлар топонимларининг таклиф этилган классификацияси ва илмий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг 2018 йил 6 июндаги 02-02-4584-сон маълумотномаси). Натижада, географик жой номлари ва топонимик объектларнинг номларини турларга бўлиш ва гуруҳлаштириш, уларни номлаш, қайта номлаш ва реестрини тузишни такомиллаштириш имконини берган;

яратилган топонимик хариталар ҳамда географик жой номлари ва терминларнинг электрон базасидан дарслик, ўқув атласлари ва турли мавзули хариталарда топонимларни тўғри ёзиш, географик лингвистиканинг тадқиқот усуллари ва принципларидан фойдаланиб терминларни тўғри қўллаш, умумий ўрта таълимнинг “Табиийёт ва география” фани бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган умумий таълим муассасаларининг ўқувчилари учун география дарсликларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 01-02/2-2-172-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг “Табиийёт ва география” фани бўйича Давлат таълим стандартида белгиланган “Географик объектлар, жой номларини тўғри қўллай олиш компетенцияси”ни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 40 дан ортиқ республика илмий-амалий конференцияларида, шунингдек, Москва давлат университети география факультети табиий география ва ландшафтшунослик кафедраси муҳокамасидан ўтган (баённомадан кўчирма № 3, 29.10.2019 й.).

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 107 та илмий иши чоп этилган, жумладан 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 25 та илмий мақола, жумладан 23 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми - 237 саҳифадан иборат бўлиб, шундан матн қисми -200 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, уларнинг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби **“Ўзбекистонда географик терминология ва топонимиканинг ривожланиши”** деб номланган бўлиб, унда географик терминология ва топонимикага оид манбалар, географик терминологиянинг XX-XXI асрларда ривожланиши, географик номларнинг тадқиқ этилиши, Ўзбекистонда географик терминология ва топонимика илмий йўналишининг шаклланиши таҳлил қилинган.

Ўзбек (туркий) географик терминологиясининг энг яхлит ва қадимий манбаи сифатида Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрга оид “Девону луғатит турк” асари эътироф этилган, шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари таҳлил этилган. Географик номлар, уларнинг маъноси, келиб чиқиши, ўзгариши Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Помпони Меланинг “Хорография”, Плинийнинг “Табиий тарих” номли асарларида кўпгина топонимик маълумотлар келтирилган. Булардан ташқари, географик номлар муаллифи номаълум бўлган “Худуд ал-олам”, Абу Райхон Берунийнинг “Қонуни Маъсудий”, “Ҳиндистон”, “Сайдана”, Ибн Синонинг “Денгиз қирғоқлари”, Ҳофиз Аbru асарларида, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, З.М. Бобурнинг “Бобурнома” асарлари муҳим терминологик ва топонимик манбадир.

Маълумки, XV асрнинг биринчи ярими Ўрта Осиё ва Хуросон тарихида уйғониш даври бўлган. Ҳ.Ҳасанов ибораси билан айтганда, “Бу давр муҳим, фахрланишга арзийдиган воқеалар билан бойдир. Масалан, айти шу даврда Ҳофиз Аbru йирик тарихий географик асар ёзган; Гиёсиддин Наққош Хитойга саёҳат қилган; Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистонга элчи бўлиб борган; Улуғбек расадхонасида зиж тузилган; Али Қушчи географик билимлар тарғиботчиси, астроном ва картограф сифатида шуҳрат қозонган...”⁵. Табиийки,

⁵ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 1981.Б.-151-бет.

улар ўз асарларида географик жой номларидан кенг фойдаланган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари муҳим топонимик ва терминологик манбадир. Унда турли табиий ҳодисалар, табиатнинг турли компонентларига оид халқ терминларидан кенг фойдаланилган; баъзи терминлар ўз ўрнида изоҳлаб ҳам берилган. Асарда XVI аср бошидаги жой номлари ўша вақтдаги ҳолати ва транскрипцияда берилган. Шунингдек, айрим номларнинг маъноси, турли шаклларда учраши ҳақида маълумотлар бор. «Бобурнома»да айрим топонимик изоҳлар ҳам берилган. Ҳ.Ҳасанов томонидан Бобур тилга олган йирик жой номлари харита-схемаси ҳам ишланган.

Олиб борилган тадқиқот давомида ўзбек географик терминшунослигининг XX–XXI асрлардаги тараққиёти қуйидагича даврлаштирилди: *XX аср бошидан 30-йилларгача бўлган давр; 1930-1940 йиллар; 1940-90 йиллар; 1990-2000 йиллар; янги давр.*

XX аср бошидан 30-йилларгача бўлган давр ўзбек географик терминшунослиги тараққиётининг ўзига хос даври ҳисобланади. 1929 йилгача нашр этилган барча адабиётлар араб алифбосига асосланган ўзбек ёзувида ёзилди. Демак, ўша даврда умуман терминшуносликда бўлгани каби географик терминшуносликда ҳам арабча атамаларнинг таъсири кучли бўлган.

Иккинчи (1930-1940 йиллар) даврда (1929 йилдан) ўзбек алифбоси янги алифбога – лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосига ўзгартирилди. Айрим дарсликларда шу даврдан бошлаб хорижий терминларни рус тили орқали кириб келишини кузатиш мумкин.

1940-1990 йиллар ҳам ўзбек географик терминшунослигининг тарихида алоҳида бир даврни ташкил этади. Бу даврда ўзбек географик терминшунослиги тарихининг ўзига хос хусусиятлари шулардан иборатки, 40-йиллардан 90-йиллар бошларигача ёзилган география дарсликлари, қўлланмалари, асосан рус тилидан таржима қилинганлиги сабабли, бу даврдаги терминларнинг аксарияти таржима терминларидир.

1990-2000 йиллар даври мустақиллик даври ҳисобланади. 90-йилларнинг бошидан бошлаб бир неча таржима ва изоҳли луғатлар босиб чиқила бошланди. Умуман олганда, ушбу даврда ўзбек географик терминшунослигига оид Ҳ.Ҳасанов (1963, 1964), С.Қораев (1979, 1986), П.Ғуломов (1979, 1993, 1994), Р.Раҳимбеков (1979), О.Мўминов (1993), Қ.Хуррамов (1981) ларнинг илмий ишлари ва турли мақолалари нашр этилди.

1989 йил 21 октябрда ўзбек тили Давлат тили деб эълон қилингандан сўнг, дарсликлар, қўлланмалар, луғатларни ўзбекчалаштиришга киришилди. Лекин айрим эскириб, муомаладан чиқиб кетган терминларни яна қайтадан фанга олиб кириш ҳолатлари ҳам кузатилди.

Янги давр (2000 йилдан то ҳозирги давргача)да лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтилди. Натижада географик номлар ва терминлар ёзилиши ҳамда қўлланилишида бироз ўзгаришлар рўй берди. Лекин географик терминлар бироз муқимлашиб, қатъийлашди.

Ўзбекистонда географик терминология ва топонимика илмий мактабининг шаклланиши, ривожланиши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан

арбоби, география фанлари доктори, профессор Х.Ҳасанов номи билан боғлиқ. Х.Ҳасановнинг илмий ишлари фақат Ўзбекистонда эмас, кўпгина чет элларда ҳам маълум.

Ўзбекистонда географик терминология, топонимика, тилшунослик, таржимонлик соҳасида самарали меҳнат қилган олимлардан бири – С.Қораевдир. Филология фанлари номзоди (1969), география фанлари доктори (1998) С.Қораев Ўзбекистон топонимикаси бўйича етук мутахассис, тарихий топонимия, ойконимия, этнонимия, шунингдек, халқ терминларининг билимдонидир.

Умуман олганда, кейинги йилларда жой номларини географик жиҳатдан ўрганишни вилоятлар, туманлар доирасида олиб бориш масаласига катта эътибор бериш керак.

Диссертациянинг **“Географик терминология: терминларнинг турлари ва уларни гуруҳлаштириш принциплари”** деб номланган иккинчи бобида географик терминларнинг турлари, табиий географик терминларнинг манбалари ва уларни тўплаш, топонимик терминлар, географик терминларнинг тарқалиш ареаллари баён қилинган.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида терминга қуйидагича таъриф берилган: “Термин (лот. *Terminus* – чегара, ҳад) – билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси”. Табиатда рўй бераётган ҳодисаларни билиш учун уларнинг ҳар бири аниқ бир термин билан ифодаланади.

Кўпгина ҳолларда, термин, тушунча ва географик ном бир-бирлари билан чалкаштириб юборилади, шунингдек, “...ҳозирги кунда термин сўзи билан бир қаторда “атама”, “истилоҳ” сўзлари ҳам айтилиб келинади. Лекин улар термин сўзининг ҳозирги маъносини тўлиқ ифода эта олмайди. “Атама” сўзи кенг маънода бўлиб, географик объектлар атоқли номларига нисбатан қўлланилади. “Истилоҳ” сўзини эса термин маъносида тарихий мавзулардаги матнлар (масалан, адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.) да бемалол қўллаш мумкин.

Тушунча – нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир”⁶. Шунингдек, онглилик даражаси, онг; инсоннинг билим ва тасавурлари даражаси, савияси муайян тушунча билан юритилади.

Географик ном эса маълум объектларга, предметларга атаб қўйиладиган атоқли от, асосан исмлардан иборат бўлади.

Терминлар қуйидаги турларга ажратилди: *халқ (маҳаллий) терминлари, илмий терминлар, илмий-байналминал терминлар, таржима терминлари, топонимик терминлар (индикаторлар)*.

Табиий географик терминларнинг жумладан, халқ (маҳаллий) географик терминларининг бир неча манбалари мавжуд: қадимги қўлёзмалар, тарихий-бадиий асарлар; халқ оғзаки ижоди-фольклори; илмий адабиёт (монографиялар, диссертациялар, турли ўқув қўлланмалар); халқ урф-одатлари-анъаналари;

⁶ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.-Т.: 2004. т.8.-Б.-685.

турли (изоҳли, таржима) луғатлар, энциклопедиялар, йирик масштабли хариталар.

Географик жой номлари (топонимлар) таркибида қатнашиб, улар ифодалаган объектни билдирувчи сўзлар (турдош отлар) **топонимик терминлар** (топотерминлар) деб юритилади. Айрим илмий адабиётларда топонимик аниқлагич (ТА), индикатор деб ҳам юритилади.

Атоқли географ-терминшунос Э.М.Мурзаев айтганидек, турдош отлар топонимларнинг асосини ташкил этади ва табиий географик объектларнинг турини ифодалайди.⁷

Топонимик терминлар (топотерминлар) ўзи ифодалаётган объектларга қараб қуйидагича гуруҳлаштирилди: *геоморфологик, литологик, гидрологик, флористик, фаунистик, ойконимик, этнонимик ва турли топотерминлар*.

Тадқиқот ишининг “**Топонимларни географик жиҳатдан ўрганиш**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда жой номларини географик жиҳатдан ўрганилиши, географик номларнинг турлари, уларни гуруҳлаштириш мезонлари, Ўзбекистондаги жой номларининг тарқалиш қонуниятлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда топонимларни географик жиҳатдан ўрганган олимларнинг ишлари, жумладан, Х.Х.Ҳасанов, С.Қораев, П.Н.Ғуломов, Қ.Ҳакимов, Қ.Сейтниязов ва бошқаларнинг илмий дунёқарашлари таҳлил этилган. Кейинги йилларда географлардан Ю.Аҳмадалиев⁸ ва А.Низомов⁹ ларнинг топонимикага бағишланган илмий ишлари ҳам эълон қилинди.

Географик жой номларини классификациялаш кўпинча анча мураккаб масала. Топонимист олимлар томонидан географик номларнинг турлича классификацияси таклиф қилинган бўлса ҳам, аммо бу масалада ягона ва муштарак қараш мавжуд эмаслиги туфайли, ҳозирга қадар топонимларни содда, универсал ва мантқан тўғри илмий классификацияси ишлаб чиқилмаган.

Топонимлар классификацияси масаласига ёндашувлар турлича бўлганлигидан кўп олимлар тулича гуруҳлаштиришган. XIX асрда илк бор географик номларни турли морфологик гуруҳ ва семантик типларга бўлиб илмий жиҳатдан классификациялашга ҳаракат қилинган. *В.П.Семенов-Тянь-Шанский (1924), Л.Л.Гуметская (1932), А.М.Селишев (1939), В.Ташицкий (1946), Э.М.Мурзаев (1979), А.В.Суперанская (1985)* каби олимлар томонидан географик номларнинг турлича классификацияси таклиф қилинган. Мутахассислар географик номларни классификациялашда турли хил омилларни (лисоний, тарихий, географик, ижтимоий) асос қилиб олишган ва уларнинг ҳар бири ўзига хослиги билан ажралиб туради. Таклиф этилган классификациялар орасида Э.М.Мурзаевнинг (1979) топонимларни объект номларига қараб (*оронимлар, гидронимлар, фитонимлар, зоонимлар, ойконимлар*) классификациялаш усули энг оддий ва қиёсан мақбул ҳисобланади.

⁷ Мурзаев Э.М. Словарь местных географических терминов. -М.: 1959.-С.11.

⁸ Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари.-Фарғона, «Фарғона нашриёти», 2009.

⁹ Низомов А. ва бошқ. Топонимика. –Т.: «Шарк», 2012.

Ўзбекистон топонимист олимлари томонидан ҳам географик номларни классификациялаш масаласида бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, Ҳ.Ҳасановнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Ҳ.Ҳасанов илк бор топонимларни турларга ажратишда ҳар бир номни биринчи навбатда тил қоидалари нуктаи назаридан ва шаклланиш босқичларига кўра таҳлил қилиш ўринли бўлур эди, деган фикрни баён қилган.

Тадқиқот иши давомида Ҳ.Ҳасанов классификацияси асосида топонимлар куйидаги гуруҳларга ажратилди: *жойнинг ҳолати ва ўзига хос хусусияти билан боғлиқ номлар, жойнинг географик ўрнига боғлиқ номлар, рельеф билан боғлиқ географик номлар (геоморфонимлар), иқлим ва об-ҳаво билан боғлиқ номлар, сув объектлари билан боғлиқ номлар (гидронимлар), ўсимликлар билан боғлиқ географик номлар (фитонимлар), ҳайвонот олами билан боғлиқ географик номлар (зоонимлар), фойдали қазилмалар ва тоғ жинслари билан боғлиқ номлар, касб-ҳунардан олинган географик номлар, халқ, уруғ-қабилалар билан боғлиқ географик номлар (этнонимлар), шахсларнинг исм-фамилиялари, тахаллусларига қўйилган номлар (антропотопонимлар), афсонавий номлар, диний номлар, гаройиб номлар, замонавий номлар.*

Кўриниб турибдики, ушбу гуруҳлар ичида географик объектнинг ўзига хос хусусиятлари, табиий шароити, табиат компонентларини акс эттирувчи географик номлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай жой номларини ўрганиш, тадқиқ этиш мамлакатимиз ҳудуди табиатини ўтмишда қандай бўлганлиги, табиат компонентларининг ўзгариши, муайян ҳудудда ландшафт кўриниши қандай бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини яратади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудида ушбу номлар ҳамда улар билан боғлиқ терминлар ўзига хос қонуниятлар асосида тарқалган.


Ўзбекистонда географик жой номларининг тарқалишида муайян қонуниятлар мавжуд. Улар маълум қонуниятга бўсинган ҳолда тарқалгандир. Мазкур қонуниятларни А.Низомов ва бошқалар томонидан куйидагича гуруҳлаштирилган ¹⁰ : абстрактлик, аффикслилик, индикаторлик, топонимларнинг сийрак тарқалиш ва зич тарқалиш қонуниятлари. Диссертацияда ушбу қонуниятлар асосида географик жой номларининг тарқалишига мисоллар келтирилган.

Тўртинчи боб “**Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва жой номларининг тарқалиш қонуниятлари**” деб номланган бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар топонимларининг табиий географик хусусиятлари ва географик тарқалиши очиб берилган. Бунда вилоятлар топонимлари жойнинг географик ўрни, рельефи, ҳолати ва хусусияти билан боғлиқ, иқлими, об-ҳаво хусусияти ва метеорологик элементлари, сув объектлари билан боғлиқ номлар (гидронимлар), тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси ҳамда фойдали қазилмалари билан боғлиқ бўлган жой номларига бўлинган ҳолда ўрганилган. Тошкент вилояти географик жой номлари ўрганилганда куйидаги топонимик терминлар кенг тарқалганлиги аниқланди: вилоятда қадимги (X аср) араб манбаларида тилга олинган

¹⁰ Низомов А. ва бошқ. Топонимика. Ўқув қўлланма. –Т.: “Шарқ”, 2012.

географик жой номлари орасида –*кат* топоформантли жой номлари кўп учрайди: Ардланкат, Банокат, Бинкат (асли Тошкент), Бискат (Пискент), Данфағанкат, Даҳкат, Жабғукат, Жинажкат (Чиноз), Залтикан, Заранкат (Заркент), Нужкат, Нукат, Тункат, Унжакат, Фарнкат (Паркент), Харашкат, Хотункат, Ғазаркат (Ғазалкент) ва бошқалар. XIX асрнинг бошларидан –*кент* шаклида қўлланиладиган бўлди: Тошкент, Паркент, Ғазалкент, Пискент, Заркент, Алимкент ва бошқалар. Демак, ойконимлар орасида *кент* топоформанти алоҳида ареал ҳосил қилади. Оронимлар орасида эса *тоғ(тов), тепа, бел (ошув)* энг кўп тарқалгандир: Оқтов, Букиртов, Бобоитоғ, Қоратоғ, Тоштов, Чархтов, Саритепа, Тоштепа, Қаролтепа, Қоратепа, Қоровултепа, Музбел, Ўрикбел, Қорабел, Қушбел, Ошув, Эшакошув ва бошқалар. 1:200 000 масштабда харитада вилоят ҳудудида 80 дан ортиқ оронимик объектлар – тоғлар, тоғ тизмаси, доvonлар номи қайд қилинган.

Вилоят гидронимлари орасида *сой, қўл, булоқ, сув* топонимик терминлари энг кўп тарқалган (1-расм): Акчасой, Бадалсой, Белдорсой, Бошқизилсой, Жинғилсой, Каттасой, Келинчаксой, Новалисой, Нурекотасой, Олмаликсой, Оқсоқотасой, Толлисой, Тераклисой, Товоқсой, Чимёнсой, Шаширсой, Қашқасой, Қорасой, Мингбулоқ, Оқбулоқ, Совукбулоқ, Тошбулоқ, Оққўл, Шовурқўл ва бошқалар. Улар вилоят оронимлари ва гидронимларининг 33 % ини ташкил қилади.



1-расм. Тошкент вилояти оронимлари ва гидронимлари таркибида топотерминларнинг улуши

Тадқиқот иши давомида Тошкент вилоятининг 1:200 000 масштабдаги топонимик харитаси ишланди. Ушбу харитада вилоятдаги географик номлар турларга ажратилган ҳолда турли рангларда берилган. Тошкент вилояти географик жой номлари орасида табиий географик хусусиятлар билан боғлиқ жой номлари салмоқли ўринни эгаллайди (1-жадвал).

Бухоро вилояти географик жой номларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1:100 000 масштабда харитасида оронимлар ва гидронимлар сони 597 тани

ташқил қилади, уларни таҳлил қилсак, номлар таркибида “қудук” (21%), “шўр” (3%), “кўл”(3%), “булоқ” (2%), “тепа” (7%), “жар” (1%), “тоғ (тов)” (1%) каби топотерминлар кўп.

1-жадвал

Тошкент вилоятининг табиий хусусиятлари билан боғлиқ топонимлари

<i>Жойнинг географик ўрни, рельефи, ҳолати ва хусусияти, иқлими, об-ҳаво хусусияти ва метеорологик элементлари боғлиқ номлар номлар</i>	<i>Сув объектлари билан боғлиқ номлар(гидронимлар)</i>	<i>Тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси ҳамда фойдали қазилмалари билан боғлиқ бўлган жой номлари</i>
Жар	Арашон	Арчали
Далварзин	Ақчасой	Арпапоя
Оқтепа	Бадалсой	Балиқчи
Оққапчиғай	Бадоксой	Бўржар
Кўкбет	Келес	Кандирдовон
Чотқол	Кўл	Каптаркумушсой
Қизилнура	Мингбулоқ	Мевазор
Қорабел	Мўлалисой	Мингчинор
Қорақия	Новалисой	Олмазор
Қоржантоғ	Оқбулоқ	Оқтош
Кўнғиртоғ	Оқсой	Такаёнғоқ
Кўштепа	Оқсув	Сўкоқ

Жиззах вилояти рельефи ва сув объектлари билан боғлиқ географик жой номлари таҳлил шуни кўрсатадики, оронимлар орасида тоғ, тепа, жар терминлари, гидронимлар орасида эса сой, қудук, булоқ терминлари кўпчиликни ташқил этади. Гидронимларининг 20% и сой, 9% и қудук, 2% и булоқ, оронимлар орасида эса, 3% и тоғ, 2% и тепа ва 1% и жар топотерминлари ёрдамида ҳосил бўлган.

Хоразм вилояти топонимлари таркибида эса сув объектлари билан боғлиқ жой номлари кўп. Баъзи гидронимлар сувнинг таъмига нисбатан номланган: *Аччикўл, Шўркўл, Тузликўл, Мазаликўл* каби. Вилоят гидронимлари таркибида кўл топотермини ёрдамида ҳосил бўлган жой номлари кўп: *Аччиққўл, Халпақўл Шўркўл* (Шовот тумани), *Ашиаққўл, Чуқурқўл* (Урганч тумани), *Ақдайқўл, Ўртаяққўл* (Кўшкўпир тумани), *Буратанқўл, Обилқўл, Улуғшўркўл* (Янгиариқ тумани), *Гавқўл, Динаққўл, Эшонқўл* (Хива тумани), *Довутқўл, Шўркўл, Тошлиққўл, Тузлоққўл* (Кўшкўпир тумани), *Жармишқўл* (Хива ва Янгиариқ туманлари), *Оққўл* (Хива, Шовот, Янгиариқ туманлари), *Сузалиқўл* (Хива тумани), *Тузқўл, Узунқўл* (Хазорасп тумани) ва бошқалар. “Кўл” топотермини ёрдамида ҳосил бўлган географик номлар вилоятда ўрганилган гидронимлар орасида 33% ни ташқил қилади (2-расм).



2-расм. Хоразм вилояти оронимлари ва гидронимлари таркибида топотерминларнинг улуши

